

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФА

Президент Шавкат Мирзиёев 18 март куни Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйди.



Шу муносабат билан ўтказилган маросимда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, нурунийлар, зиёлилар, ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида халқимизни Наврўз айёми ва муқаддас Рамазон ойи кириб келаётгани билан қўллади. Тошкентнинг қадим тарихини ёдга олиб, у бугун ҳам ҳаётнинг барча жабҳасида мамлакатимизда етакчи бўлиб келаётганини таъкидлади.

— Биз аҳоли талабидан келиб чиқиб, охириги йилларда Тошкентда жуда кўп қурилишлар қилдик. Энди унинг ривожланиш истиқболларини ўйлашимиз керак. Халқимиз “маслаҳатли тўй тарқамас” деганидек бугун сизлар билан Тошкентнинг келажагини кенгайтириш учун йиғилдик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Хусусан, сўнгги 6 йилда Тошкентда фаолият юритаётган корхоналар сони 2 баравар кўпайган. Бизнес муҳити яхшилангани, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратилгани натижасида 26 миллиард доллар инвестиция киритилган.

Қурилиш жараёнлари ҳам жонланиб, янги-янги уй-жойлар, замонавий корхона ва иншоотлар барпо этилган. Шунингдек, 30 минг ўринли мактаблар, 20 минг ўринли боғчалар, 2 минг ўринли тиббиёт муассасалари, 200 гектар майдонда парклар, 10 дан зиёд йирик спорт мажмуалари қурилган.

Шаҳарда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида 14 та метро бекати ишга туширилиб, қуниқ йўловчи қатнови 1 миллиондан ошди. Иил якунигача яна 5 та бекат фойдаланишга топширилди.

Маълумки, бугунги кунда пойтахтимизда яшаётган ва ишлаётган аҳоли сони қарийб 5 миллионни ташкил қилади. Шу боис шаҳарда йилга 20 мингдан зиёд хонадонли қўп қаватли уйлар, 40 дан ортиқ мактаб, боғча, поликлиника қуришга талаб бор.

Президентимиз пойтахт истиқболини белгилашда узоқни ўйлаш кераклигини таъкидлади.

— Пойтахтимизнинг барқарор ривожланишини ўйлаб, камида 15 — 20 йил олдин режаларимизни аниқ белгилаб олишимиз зарур. Чўқур ўйланган урбанизация сиёсати — турмуш шароити, иқтисодий ривожланишга, одамлар кайфияти ва маданиятига жуда катта таъсир кўрсатади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шуларни инобатга олиб, Буюк Британия, Сингапур ва туркиялик мутахассислар билан бирга Тошкент шаҳрининг 2045 йилгача бўлган Бош режаси лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда аҳоли учун қулай шароитлар яратиш, қурилишларни шаҳар ташқарисидан амалга ошириш, атроф-муҳит тозаллигини таъминлаш, Тошкентнинг меъморий қиёфасини сақлаб қолиш масалалари кўзда тутилган.

Тошкент вилоятининг чегарадош туманлари ҳисобидан пойтахт ҳудудини босқичма-босқич кенгайтириб, Чирчиқ ва Қорасув дарёлари орқали янги Тошкентни қуриш режалаштирилган. Халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан муҳокама қилиниб, 3 хил лойиҳадан энг маъбули танлаб олинган.

Янги Тошкент лойиҳаси доирасида 20 минг гектарда 1 миллион аҳоли яшаши учун қулай шароит яратилади ва шунга мос инфратузилма билан таъминланади. Хусусан, биринчи босқичда 60 минг аҳолига мўлжалланган қўп қаватли уйлар, 30 та мактаб, 20 та болалар боғчаси, қўп тармоқли шифохона ва 5 та оилавий поликлиника барпо этилади. Давлат идоралари, Янги Ўзбекистон университети, Миллий кутубхонанинг янги бинолари, театр, ижод мактаблари, савдо ва сервис марказлари ҳам шу ерда жойлашади.

Яна бир муҳим томони — бу лойиҳани амалга оширишда замонавий урбанизация ёндашувлари асосида “ақлли” технологиялар қўлланилади.

Масалан, экологик транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар уйғунлиқда ҳаракатланади. “Яшил ва хавфсиз шаҳар” тамойили асосида пиёдалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилади.

Шу мақсадда 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳлари қурилади. Автомобиль қатнови учун 14 та замонавий туннель ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади. Барча электр, алоқа тармоқлари, газ ва сув қувурлари ер тағидан ўтказилади.

Марказий Осиёда ilk бор “уч-генерация” станцияси қурилади. Яъни бу станция орқали электр ишлаб чиқарилади, бинолар куз-қишда иситилиб, ёзда эса совутилади.

Янги Тошкент лойиҳасида сув тежовчи технологиялар ҳисобига сув сарфи 2 баравар камайди. Оқова сувлар ҳам замонавий технологиялар асосида қайта ишланиб, сугориш ва техник мақсадлар учун йўналтирилади.

Янги шаҳарда инновацион технологияга асосланган, юқори даромадли 200 мингта иш ўрни яратилади. Бунинг учун янги технопарклар, IT-парк, таълим ва тиббиёт кластерлари ташкил этилади.

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент пойдеворига капсула қўйиб, унинг қурилишини бошлаб берди.

— Улуғ айём арафасида эзгу ниятлар билан қурилишни бошлаяпмиз. Иншооллох, бу Янги Ўзбекистон тарихида янги саҳифа бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу шаҳар учун, шунингдек, пойтахтимиз учун ҳам қўшимча энергия таъминоти зарур. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида сўнгги 6 йилда электр энергияси истеъмоли 30 фоизга ошиб, қарийб

8 миллиард киловатт-соатга етган. Бу талаб тобора ортиб бормоқда.

Шу боис Тошкент шаҳри электр таъминоти тизимини тубдан яхшилаш бўйича катта дастур қабул қилинди. Унга қўра пойтахт эҳтиёжини таъминлаш учун жами қуввати 2 минг 400 мегаватт 4 та қуёш станцияси барпо этилиши белгиланган. Улардан биринчиси — Қийраб туманида 400 мегаваттлик фотозлектр станциясини қуриш бошланган.

Шунингдек, яна 3 та лойиҳа бўйича Хитойнинг “CEEC-Gezhouba” ҳамда “China Dating Overseas Investment” компаниялари билан келишувга эришилган. Булар — Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 700 мегаваттлик, Оҳангарон туманида 1 минг мегаваттлик ҳамда Бўка туманида 300 мегаваттлик станциялардир.

Маросимда мазкур 3 та лойиҳага ҳам старт берилди.

Уларга 2 миллиард доллардан зиёд тўғридан-тўғри инвестиция киритилади. Илг якунигача улар бўйича дастлабки 300 мегаватт қувватлар ишга туширилади. Бу станциялар тўлиқ қувватга чиққандан кейин йилга 6 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқаради ва пойтахт эҳтиёжининг яримдан қўлини қоплайди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрида юқори қучилишни тармоқлар қурилиб, эскирган трансформатор ва электр тармоқлари янгиланиши маълум қилинди.

— Пойтахтимизда амалга ошираётган барча-барча мақсад, режа ва дастурларимиз аҳолиимиз учун, унинг бугун кечагидан, эртага бугунгидан яхшироқ яшаши учун, — деди Шавкат Мирзиёев.

Маросимда қайд этилганидек, Янги Тошкент чинакам экологик шаҳар бўлади. “Тошкентнинг яшил белбоғи” лойиҳаси шу ердан бошланади. 420 гектар майдонда “Марказий боғ” барпо этилиб, 200 минг туп дарахт экилади.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга ушбу боққа кўчатлар ўтказди. Тадбирда иштирок этган дипломатик корпус вакиллари билан мулоқот қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳридаги “M-Clinic” қўп тармоқли тиббиёт марказини бориб қўрди.

Бу клиникани мамлакатимиз тиббиётида янги босқич дейиш мумкин. 202 миллион долларлик лойиҳа эвазига 6 та бино бунёд этилиб, энг замонавий шароитлар яратилган. Тиббий технологиялар Германиянинг “KBV GmbH & Co. KG” компанияси томонидан лойиҳалаштирилган.

Муассасада катталар учун 95 та ва болалар учун 33 та стационар ўрин, 1 минг 400 та қатновга мўлжалланган поликлиника ташкил этилган. Улар яқин ойларида ишга туширилади. Умуман, тиббиёт марказида 50 та тор мутахассислик бўйича хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди.

Хусусан, марказда кардиология, ангиография, травматология, нейрохирургия, гинекология ва урология бўйича 5 та жаррохлик хонаси бўлади. Уларда йилга 5 мингта юқори технологияли операцияларни амалга ошириш мумкин. Илгор усуллар ҳам кесиш ва тез реабилитация қилиш имконини беради.

Давлатимиз раҳбари бу шароитлар билан синчиқлаб танишди. Марказни муайян йўналишлар бўйича таянч муассасага айлантириш, бу ердаги тажриба асосида шифокорлар малакасини ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Мажмуада беморларнинг яқинлари учун 120 ўринли меҳмонхона ҳам барпо этилган.

Хусусий тиббиёт ривожига яратилган имкониятлар натижасида юртимизда нодавлат шифо масканлари сони 8 мингтадан ошган. Улар шуғулланиши мумкин бўлган тиббий йўналишлар 50 тадан 129 тага кенгайтирилган.

Шу куни Президент Шавкат Мирзиёев “Бунёдкор” стадионига ташриф буюриб, 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубоги финалини томоша қилди.

Нафақат мамлакатимиз, балки қўта футбол иқлосмандлари диққат марказида бўлган ушбу чемпионат ҳар жиҳатдан қўтаринки руҳда ўтди. Чорак ва ярим финал ўйинлари ёрқин, ёдда қолади кечди.

16 та давлат терма жамоалари иштирокидаги ушбу қўта кубоги ўйинлари юртимизда футбол инфратузилмаси ривож топиши, миллионлар ўйинини янада оммалаштириш, мавжуд стадионлар замонавий қўринишга келишини таъминлаш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилгани билан ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон — Ироқ терма жамоалари ўртасидаги финал ўйини мазкур чемпионатнинг энг юқори нуқтаси бўлиб тарихга муҳрланди. Унда Ўзбекистон ёшлари 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.

Давлатимиз раҳбари терма жамоамизни тақдирлаш маросиминида иштирок этди ва бош соврин — Осиё кубогини топширди.

Ушбу ғалаба стадиондаги ўн минглаб, телеэкранлар олдидаги миллионлаб юртдошларимиз қалбига қувонч олиб келди, Наврўз байрами кайфиятини икки қаррага оширди.

20 ёшли футболчиларимизни олдинда янада масъулиятли муСОбақа қўтиб турибди. Индонезия мезбонлик қиладиган жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлари энди Осиёнинг энг кучли жамоаси сифатида иштирок этади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВ,
Ўза мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

Фахр

ЯНГИ ТОШКЕНТ

Бир шаҳарки олам олар андозасин,
Қўш қўтлар тинглаб унинг овозасин,
Юрт эгаси очди қўтлуғ дарвозасин,
Мангу баҳор боғи бўлсин Янги Тошкент,
Шаҳарларнинг шоҳи бўлсин Янги Тошкент.

Ўзбек азал яхшиларга дилдош бўлган,
Дўстлик истаб қўл тутганга қўлдош бўлган,
Бутун умр боғ яратган, шаҳар қурган,
Саодатга сарой бўлсин Янги Тошкент,
Гўзалликка чирой бўлсин Янги Тошкент.

Бу кентнинг ҳам бўлғайдир ўз жўмардлари,
Қодирийдек ҳақсўз, жадид дилбандлари,
Янги Фафур Ғулом, Саид Аҳмадли,
Эзгуликка эшик очсин Янги Тошкент,
Маърифатга бешик очсин Янги Тошкент.

Биз иккинчи нон шаҳрини қўргайдирмиз,
Иншооллох, шон шаҳрини қўргайдирмиз,
Вале ҳеч вақт кўксимизга урмайдирмиз,
Ниятимиз жамолдир Янги Тошкент,
Қўдратимиз тимсолидир Янги Тошкент.

Гоҳ тўлғонар, гоҳ чайқалар замонамиз,
Янграйверсин тинчлик деган таронамиз,
Бунёдкорлик — Яратганга шукронамиз.
Уйга тўлсин, нурга тўлсин Янги Тошкент,
Дуо сочган дурга тўлсин Янги Тошкент.

Тамаддуннинг тўлқинидир бу гулистон,
Шояд яна гувоҳ бўлғай бутун жаҳон,
Юксалмоқда, қаранг, Янги Ўзбекистон,
Бахт осмонин моҳи бўлсин Янги Тошкент,
Шаҳарларнинг шоҳи бўлсин Янги Тошкент.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири.

ВАТАН ИСТИҚБОЛИНИ ЎЗИМИЗ БЕЛГИЛАЙМИЗ

1

Йил бошида Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти «2035 йилга бориб, Ўзбекистон аҳолиси 45,6 млн. кишидан ошиши кутилмоқда» дея хабар тарқатди. Таҳлилларга қўра, ўша пайтгача мактабларда қўшимча 8,2 миллион ўқувчи ўрнини яратиш зарурати юзага келган.

Биргина шу жиҳат мамлакатимиз ва жамятимиз бугун қандай янгиланиш ва ўзгаришлар бўсағасида турганини яққол кўрсатиб бера олади. Холбуки, мустақилликка эришилган 90-йиллар бошида мамлакатимиз аҳолиси сони 20 миллион атрофида эди. Албатта, демографиянинг бундай силтама динамикаси биз истаимизми ёки йўқ ижтимоий ва сиёсий ҳаётимизга ўз таъсирини кўрсатиши табиий. Қолаверса, бугун дунёда кечаётган ва натижаларини олдиндан тусмоллаш жуда қийин бўлган геополитик ва геосиёсий вазият нафақат давлатимиз, балки минтақадаги «иклим»ни кескин ўзгартирди, янги вазифа ва масалаларни юзага келтирди: глобаллашув жараёнлари жаддалашди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган либерал ислохотлар эса мамлакат ички ҳаёти — жамяятда рухий янгиланишларга туртки бердики, бу одамлар та-



фактури, турмуш шароитида ҳам ўз аксини кўрсата бошлади. Гарчи янгиланишларни қабул қилиш, тан олишга баъзиларда ирода ва самимият етишмаётган бўлса-да, буюк Софокл «ҳақиқат доимо энг қўдратли далил бўлиб қолаверади» деганидек, амалга оширилган ўзгаришлар турмушимизга ўзгача мазмун-моҳият бағишлаганини барчамиз қўриб, билиб туримиз.

Кези келганда, мен ҳаётдан норози бўлиб тинмай ёзирадиган, ўзларидан «ҳақиқатлар-

вар» ясаб олган баъзи ватандошларимизга биргина савол бераман: атиги етти йил олдин сизда оддий бир инсон ҳақли бўлган қандай ҳуқуқлар бор эди? Масалан, банк картасига тушган маошингизни нақдлаштиролмай неча кун сарсон бўлгансиз ёки бугундек ижтимоий тармоқларга чиқиб бемалол ўз фирингизни эркин айта олганмисиз, эркин интернет, деган нарсанинг ўзи бормиди у замонларда?

